O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 30 октябрь, шанба № 130 (2018). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 30 октября, 2004 г. № 130 (2018). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Сайлов ва ёшлар

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида шу йил 26 декабрда мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштирокига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этди.

Анжуманни университет ректори Р. Ашуров бошқарди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаев сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайловларда ёшларнинг ўрнига оид масалалар хусусида сўзлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари сайлов қонунчилигида мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш йўллари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Сайловнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган демократик жараёнларнинг мустаҳкамланишида унинг аҳамияти катта. Бунда ёшларнинг ҳиссаси салмоқли бўлиши табиий. Зеро, мамлакатимизда овоз бериш ҳуқуқига эга 3 миллиондан зиёд йигит-қиз бор.

Талабалар сайловга тайёргарлик кўриш, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ташкилий-ҳуқуқий масалалар, шунингдек, халқаро сайлов стандартлари ва тажрибаларига оид ва бошқа кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Оилавий таълим бўйича ресурс маркази

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 16-мактабгача таълим муассасасида оилавий таълим бўйича ресурс маркази очилди. У ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдамида ташкил этилди.

Марказ оилавий таълим дастури бўйича фаолият юритаётган мутахассислар ишини яхшилашга ёрдам беради. Мазкур дастурдан кўзланган мақсад болаларнинг баркамол ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратишдир. Уни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оилаларнинг ўзлари иштирок этмоқда.

Оилавий таълим дастури ота-оналарни касалликларнинг олдини олиш, болаларни тарбиялашда юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал қилишга ўргатади. Болаларни оила ёки мактабгача тарбия муассасасида мактабга тайёрлаш, ўсмир ва ёшларга ҳаётий кўникмаларни ўзлаштиришда ёрдам бериш ушбу дастурнинг асосий таркибий қисмлари саналади. Оилаларни ўқитиш ишига тиббий ҳамширалар, болалар боғчалари тарбиячилари, маҳалла оқсоқоллари ва кўнгиллилар жалб қилинган.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

● ШАХМАТ

Мезбонлар лол қолди

Испаниянинг Калвия шаҳрида ўттиз олтинчи марта ташкил этилган жаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этаётган терма жамоалар ўн учинчи тур учрашувларини ўтказди.

Мазкур турда Тоҳир Воҳидов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси ўз ҳисобига навбатдаги муҳим очколарни ёзди.

Ўзбекистон вакилларига қарши ўйинга Испания терма жамоаси раҳбарияти энг кучли шахматчиларини қўйди. Ҳамманинг нигоҳи олимпиада давомида ҳали мағлубият аламини тотиб кўрмаган жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва Испания шарафини ҳимоя қилаётган Алексей Широв ўртасидаги учрашувга қаратилди. Шахмат ихлосмандлари эътиборида турган муҳим учрашувда ўзбекистонлик гроссмейстер рақибидан кучли эканини исботлади.

Гроссмейстеримиз Сайдали Иўлдошев ҳам испаниялик рақибидан бир очко олди. Ўтган турда терма жамоамиз ҳисобига муҳим очкони келтирган Антон Филиппов бу галги мағлубиятга учраган бўлса, Алексей Барсов рақиби билан дуранг ўйнади.

Умумий ҳисобда мезбонлар устидан 2,5:1,5 ҳисобида ғалаба қозонган ҳамюртларимиз жамоалар ўртасида ўн олтинчи ўринга кўтарилиб олди. Энди сўнгги турда шахматчиларимиз Швейцария терма жамоаси аъзолари билан куч синашади.

Аёллар баҳсида иштирок этаётган шахматчиларимиз кетма-кет иккинчи марта мағлубиятга учради. Ўтган турда Латвияга 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган Ўзбекистонликлар бу гал Беларусь терма жамоаси билан анча суст ўйнади. Ўн учинчи турда Ольга Собирова ҳамда Ирода Ҳамроқулова рақибаларига имкониятни бой берган бўлса, Юлдуз Ҳамроқулова дурангга рози бўлди.

Энди улар охирги учрашувини Эквадор терма жамоасига қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Италия пойтахтида Европа Иттифоқи таркибига кирувчи 25 мамлакат раҳбарлари ЕИ Конституцияси тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. 450 моддадан иборат бу шартномада ягона Европа ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган.

Энди Конституция барча аъзо давлатларда ратификация қилиниши керак. Режага кўра, у 2009 йили кучга киради ва Европада мавжуд барча асосий қонунларнинг ўрнини эгаллайди.

Айрим мамлакатлар фақат ратификация билан чекланмайди. Масалан, келаси йил Буюк Британия, Испания, Нидерландия, Португалия ва Францияда Конституцияни қабул қилиш борасида референдум ўтказилади. 2006 йилда эса Бельгия, Дания, Ирландия, Люксембург, Мальта ва Чехия шундай тадбирни уюштириши керак.

Ҳужжатни имзолаш маросими Римда ўтказилганида рамзий маъно бор. 1957 йили Европа иқтисодий ҳамжамиятининг олти аъзоси Рим шартномасига имзо чекиб, Европадаги беқиёс интеграция жараёнларини бошлаб берган эди. Бугун Европа Иттифоқи тўла шакллониб, сафини кенгайтиришга ҳам улгурди.

Аммо ЕИ раҳбарлари анчадан буён мавжуд ягона Европадаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори замон талабларига мос эмаслигини таъкидлаб келар эди. Янги умумий бош қонунсиз иттифоқ ўз имкониятларини кескин чеклаб қўяётганди. Конституция лойиҳаси саммитларда, амалий учрашув ва бошқа йиғинларда узоқ вақт муҳокама қилинди, ҳар томонлама такомиллаштирилди. Бирор аъзо мамлакатнинг миллий манфаатлари камситилмайдиган ҳолга келтирилди.

Конституция кучга кириши билан ЕИ учун умумий қарорлар қабул қилиш анча енгиллашиб, соддалашади. Эътиборли томони шундаки, шаклланган механизмга кўра, муҳим қарорлар нафақат кўпчилик мамлакатлар, балки, бир вақтнинг ўзида, аҳолининг кўпчилиги ёқлагандагина қабул қилинади.

Янги ҳужжат Европарламентнинг ҳам ваколатларини кенгайтиради. Шу чоқ-қача фақат бюджет лойиҳасигагина таъсир кўрсата оладиган бу муассаса энди муҳожирлик, суд-ҳуқуқ, чегара масалаларига доир қонун ҳужжатларини шакллантириш имконига ҳам эга бўлади.

(ЎзА).

БИЛИМНИНГ ФОЙДАСИ

Билимли, маълумотли йигит қаёрда бўлмасин ўзининг гап-сўзи, муомаласи, фикрлаш тарзи билан дарҳол кўзга ташланади. Оддий аскар Ғуломжон Ғафуров ҳарбий жамоага келиб қўшилган пайти ҳам айни ҳолат рўй берди.

Унга, айниқса, командирлар катта ишонч билан қарашди. Ахир Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг менежментлик факультетини муваффақиятли тугатиб бакалавр даражасига эришгандан кейин сафдошларга намуна бўлиши керак-да. Бу унча қийин кечгани йўқ. Бошқарув, муомала илмини биноийдек эгаллаган Ғуломжон ҳар томонлама фаоллиги, жамоадошлари билан тез тил топишиб олгани учун қисқа муддат ичида командирларнинг яқин ёрдамчисига айланди-қолди. Жанговар ўқув машғулотларида юқори натижаларни кетма-кет қўлга киритаётган ўқчи аскарга байрам, шунингдек дам олиш тадбирларида фаол иштирок этиш касбий малакаси, имкониятларини синовдан ўтказишда яқиндан ёрдам берди. Ҳатто хизматдан, дам олиш соатларидан унумли фойдаланиб, деворий газетага тез-тез мақолалар ёзиб туришга ҳам имкон топди, пасбон. Унинг аъло хизматидан, эришаётган ютуқларидан эса барча мамнун.

(Давоми 2-бетда).

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Оддий аскар Жаҳонгир Ҳожибековнинг техника илмига ҳаваси жуда юқори. Шу боис у мазкур соҳада анча-мунча маҳорат тўплаган. Буни қарангки, ўрганганлари қўл келиб, у ўзига биркитилган жанговар машинасини ҳамиша маҳорат билан бошқариб келмоқда. Билим — хазина, деб шуни айтсалар керак-да.

Александр МРУЧАК суратга олган.

● ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ТАНТАНАСИ

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРДАН ЗАВҚЛАНИБ

Кеча Чирчиқ гарнизонида сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) ойлик йиғинни ўтаб бўлган йигитлар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар — давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар томонидан айтилган эзгу тилаклар ўғлонларга завқ бағишлади.

СЧР батальони командири капитан Ҳожиакбар Баҳодиров юқори қўмондонлик вакилига ҳисобот бергач, Ҳарбий қасамёд қабул қилишга киришилди. Ҳарбий либослари ўзларига ярашган, алиқомат ўғлонлар бирин-кетин сафдан чиқиб, қасамёд матнини жарангдор овозда ўқий бошлаганида, йиғилган меҳмонлар орасида жонланиш пайдо бўлди.

— Ана Шуҳратжоним чиқди, қоматингдан онанг ўргилсин, — юнусободлик Шуҳрат Эрматовнинг онаси Меҳринисо ая ҳаяжонини яширолмади. Ҳа, ёлғиз ўғли билан қанча фахрланса, арзийди. Молия институтини тугатиб, ҳозирда «Асакабанк»да бўлим бошлиги бўлиб ишламоқда. Мана, бир ойлик йиғинда ҳам фаол қатнашиб, Ватанга содиқлик онтини бермоқда.

Уларнинг ёнларида турган Шуҳрат ака Магдиев пойтахт вилояти Келес шаҳридан келган. Тўртта ўғилни вояга етказган ота бугун кенжатойи Рустамнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганига гувоҳ бўлиб, қувончини баҳам кўрди:

— Армияда ўзим ҳам хизмат қилганман, катта ўғлим Ҳусниддин ҳам Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтган, — дейди Шуҳрат ака. — Мана, мустақиллик шарофати ила хизматнинг янги тури очилди, ҳукуматимизга раҳмат.



Навбат тантанали йиғинга келди. Саф майдони узра Давлат мадҳияси жаранглади. Мадҳиямиз сўзларини ҳар бир ўғлон бор овозда ижро этгани барчани тўлқинлантириб юборди. Тадбирни қисқача кириш сўзи билан очган капитан Фурқат Зокиров табрик учун сўзни Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Қурбон Аминжоновга берди.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдулҳамид Иўлдошев, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари — шаҳар хотинқизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Нўъмон ота Насимов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими вакили Камолиддин Бердиевлар йигитларни ҳаётидаги ушбу унутилмас воқеа билан қизғин қутладилар ва янги зафарлар тиладилар.

(Давоми 2-бетда).

● ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР

Хорижга хизмат сафари маҳали ривожланган мамлакатлардан бирининг сержанти билан танишиб қолдим. Қуролли Кучларида ўн йилдан зиёдроқ вақтдан бери хизмат қилиб келаётган экан. Суҳбатлашиб туриб унинг ўз соҳасини мукаммал билишини англадим. Яъни, ҳақиқий профессионал. Аммо бир нарса ажаблантирди. Мамлакати ҳақида, унинг тарихи, маданияти ҳақида ҳатто мен билган нарсаларни ҳам билмайди. Демак, ўз қобиғига ўралгану бошқаси билан иши йўқ. Уни айбламоқчи эмасман. Балки унга берилган таълим, тарбия шуни тақозо этгандир. Қўмондонларини унинг ихтисослашувидан бўлак нарса қизиқтирмас. Нимаям дейиш мумкин, ҳар жойнинг ўз тош-тарозуси бор. Фақат ўша лаҳзада кўнглимдан ислоҳотлар сабаб мамлакатимизда шаклланаётган сержантлар тайёрлаш тизими ўтди. Ҳа, ютуқлар, камчиликлар қиёслаганда кўзга ташланади. Бизда ҳарбий хизматчиларга баъзи мамлакатлардагидек мақсадга эришиш йўлидаги шунчаки бир восита сифатида қаралмайди. Унга жамиятнинг ажралмас бир бўлаги сифатида ёндашилади. Қўлига қурол ушлаб, юрт ҳимоясига чоғланган ўғлон Ватан тарихи, буюк аждодлари анъаналари, қадриятларидан тортиб, мамлакатда кечаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ўзгаришларни, янгиланишларни пухта билмоғи лозим. Қисқа қилиб айтганда, Ватан равнақи, Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлида жамиятнинг фаол бир қатламига айланмоғи лозим. Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб, ундаги янгиланишлар ўзгаришларни кўздан кечирар эканман, хаёлимдан ана шу фикрлар кечди.

(Давоми 3-бетда).

ГОРДИМСЯ ВОИНСКОЙ ПРОФЕССИЕЙ

Подполковник Алишер БАГИРОВ, начальник Управления автомобильной техники Главного управления вооружения Министерства обороны Республики Узбекистан

Велика роль автомобильного транспорта во всех областях современной жизни. На его долю приходится значительная часть перевозок грузов и пассажиров. С обретением Узбекистаном независимости наше государство вошло в число производителей автомобильной техники. С каждым годом возрастает поток автомобилей на улицах наших городов и посёлков. При этом можно с уверенностью сказать, что большинство представителей всеми уважаемой шоферской профессии в разное время прошли армейскую школу мастерства и мужества в автомобильных подразделениях Вооруженных Сил.

Специальность военного водителя была и остается предметом гордости солдата. От умелых действий и профессионализма личного состава автомобильных подразделений зависит многое. И, прежде всего, маневренность войск, их быстрое сосредоточение в необходимом месте или переброска в заданный район. Именно автомобилистам принадлежит основная роль в бесперебойном подвозе материальных средств частям и подразделениям. Они определяют подвижность тыла, его способность постоянно следовать за боевыми подразделениями, обеспечивая им всем необходимым для жизни и боевых действий. Автомобильный транспорт обладает высокой маневренностью, гибкостью, живучестью, способен работать в любых боевых, дорожных и климатических условиях.

В прошедшем учебном году Управлением автомобильной техники Главного управления вооружения Министерства обороны Республики Узбекистан проведена

(Окончание на 2-й стр.).

ПРИКАЗ

НАЧАЛЬНИКА ТАШКЕНТСКОГО ГАРНИЗОНА

27 октября 2004 года **г. Ташкент**

ОБ УСТАНОВЛЕНИИ ЗИМНЕЙ ФОРМЫ ОДЕЖДЫ В ГАРНИЗОНЕ

В соответствии с требованиями статьи 17 Устава гарнизонной и караульной служб Вооруженных Сил Республики Узбекистан

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. С 1 ноября 2004 года на территории Ташкентского гарнизона установить форму одежды — зимнюю.

2. Настоящий приказ довести до всего личного состава войсковых частей, ввузов и учреждений Ташкентского гарнизона.

Начальник Ташкентского гарнизона генерал-майор Б. ТАШМАТОВ

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Глава Палестинской автономии Ясир Арафат не будет назначать президента, который заменит его на время прохождения лечения за границей. Об этом заявил пресс-секретарь Арафата. Самолет с лидером Палестинской национальной автономии Ясиром Арафатом приземлился на военном аэродроме под Парижем. Арафат будет доставлен в военный госпиталь на лечение.

***

Британские городские советы будут иметь возможность накладывать штрафы на людей, которые производят шум, рисуют граффити или разбрасывают мусор. Об этом объявил на пресс-конференции премьер-министр Великобритании Тони Блэр, добавив, что число специальных судов, рассматривающих подобные дела, будет утроено. Объясняя новые полномочия городских и приходских советов, Блэр отметил: «Местные общины лучше знают о проблемах антисоциального поведения, однако нам необходимо предоставить больше власти людям, чтобы помочь им бороться с этим».

***

В 13-й раз подряд мировое сообщество осудило введенное Вашингтоном свыше четырех десятилетий назад экономическое эмбарго против Кубы и высказалось за его отмену. На пленарном заседании 59-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в поддержку резолюции с таким требованием проголосовали 179 государств, включая Россию. Только четыре страны — США, Израиль, Палау и Маршалловы острова — выступили против. Одна делегация воздержалась.

***

Цены на нефть марки «Лайт» на электронных торгах на Нью-Йоркской товарной бирже опустились до 50,52 доллара за баррель, то есть снижение за одну торговую сессию составило 40 центов. 25 октября цены на нефть побили абсолютный рекорд, достигнув 55,67 доллара за баррель.

***

Банки и обменные пункты по всей территории Кубы переполнены клиентами, желающими перевести свои долларовые накопления в национальную валюту песо. Как известно, ранее на этой неделе кубинские власти заявили о выводе из обращения на территории острова американской валюты в ответ на ужесточение санкций со стороны Вашингтона.

***

Всенародный референдум о принятии конституции ЕС в Великобритании, скорее всего, состоится в начале 2006 года. Об этом заявил министр внутренних дел страны Джек Стро.

***

Экс-президент Литвы Роландас Паксас требует от властей республики возместить ему моральный ущерб в размере 1 млн. евро в связи с отставкой, которая признана Вильнюсским судом неправомерной. Соответствующий иск был подан в Европейский суд по правам человека в Страсбурге, сообщил адвокат бывшего главы государства Витаутас Свидерскис.

(По страницам Интернета).

● ОБУНА—2005

„Ватанпарвар“ газетаси муштарийларига

Республикамизда 2005 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна давом этмоқда.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда бериб бориладиган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

«Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.

Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган.

Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:

абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:
1 ойга — 940 сўм;
6 ойга — 5640 сўм;
12 ойга — 11280 сўм.

Уй манзилига обуна бўлганда:
1 ойга — 1015 сўм;
6 ойга — 6090 сўм;
12 ойга — 12180 сўм.

Тошкент вилояти учун обуна баҳоси:
абонент қутиларига обуна бўлганда:
1 ойга — 1412 сўм 40 тийин;
6 ойга — 8474 сўм 40 тийин;
12 ойга — 16948 сўм 80 тийин.

Уй манзилига обуна бўлганда:
1 ойга — 1521 сўм;
6 ойга — 9126 сўм;
12 ойга — 18252 сўм.

«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари мумкин.

Бу ҳолда обуна баҳоси:
1 ойга — 822 сўм;
6 ойга — 4932 сўм;
12 ойга — 9864 сўм.

Нашриёт манзили: Тошкент — 31, Д. Қўнаев кўчаси 21-уй. Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси).

Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

Гордимся воинской профессией

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

большая работа по автотехническому обеспечению войск, укомплектованию частей и подразделений автомобильной техникой, организации правильной эксплуатации и ремонту машин, поддержанию их в постоянной боевой готовности. Автомобильными подразделениями перевезено немало различных грузов, станциями технического обслуживания выполнен большой объем по техническому обслуживанию автомобилей. В числе лучших можно назвать работу воинского коллектива части, в которой служит майор Н. Гуламов. Немалый вклад в перевозку важных грузов внесли старший техник подразделения сержант Алим Пазылов, командир группы младший сержант Фарход Нормурадов, механик-водитель рядовой Расулбек Юлдашев, электрик-дизелист рядовой Алишер Хужаниязов и многие другие военнослужащие.

Выездными ремонтными бригадами оказывалась помощь в проведении среднего и текущего ремонта непосредственно в подразделениях. Особенно отличился при этом личный состав ПАРМ, которым командует лейтенант К. Досимбетов. Были запланированы мероприятия по модернизации имеющейся на вооружении техники, а также проведены войсковые испытания модернизированных автомобилей. Работа в этом направлении успешно продолжается.

Офицерами Управления автомобильной техники — подполковниками А. Васиковым, Ю. Юсуповым, майором Е. Махкамовым — особое внимание уделялось вопросам качества обслуживания и ремонта автомобилей, проведения их сезонного обслуживания. Много времени было уделено осуществлению конкретных мер по развитию материально-технической базы и благоустройству школ подготовки сержантов военных округов. За последние годы была проделана большая работа по переработке всех руководящих документов по содержанию и обслуживанию автомобильной техники, наставлений и программ боевой подготовки водительского состава автомобильных подразделений и курсантов школ подготовки сержантов и высших военных учебных заведений с целью приведения их к современным требованиям.

Эксплуатация автомобильной техники, ее содержание и хранение организовывались в соответствии с требованиями Общевоинских уставов, наставлений и приказов Министра обороны и были направлены на повышение боевой готовности войск, а также предупреждение аварий и происшествий. Организация эксплуатации, ремонта, ухода и сбережения улучшилась в Самаркандском ВВАКИУ, Чирчикском ВТКИУ и Ташкентском ВОКУ. В частях и подразделениях немало командиров и начальников, которые добросовестно выполняют возложенные на них уставами обязанности по систематическому осмотру машин, поддержанию их в боеготовном состоянии, своевременно принимают меры по восстановлению выявленной разукомплектованной техники и наказанию виновных. В их числе командир части ЮЗОВО офицер С. Шарипов, хорошо знающий положение дел в автопарке части и принимающий все меры по поддержанию автомобилей в высокой степени боеготовности.

К сожалению, проверки, проводимые офицерами Управления автомобильной техники, продолжают выявлять отдельные случаи нарушений требований уставов, наставлений и руководств, а также наличие в некоторых автомобильных парках реальных условий для возможного разукомплектования машин, что ставит под угрозу выполнение подразделениями поставленных перед ними задач. Это свидетельствует о том, что у нас еще немало работы по дальнейшему совершенствованию деятельности по повышению боевой готовности автомобильных подразделений, приведению автомобильных служб к современным требованиям.

Военные водители, офицеры и военнослужащие по контракту, рабочие и служащие автомобильных подразделений и учреждений понимают возложенную на них ответственность. Достойные наследники великих предков, они стремятся приумножить славные традиции отцов и дедов. Их отличают верность независимому Узбекистану, высокая воинская дисциплина и мастерство, гордость за свою военную профессию.

Ўз касбининг устаси

Маълумки, дунёда турли касблар мавжуд. Ҳар қайсиси ўз ўрнида жуда муҳим ҳисобланади, ҳеч бирини яхши ёки ёмон деб бўлмайди. Фақатгина ҳар бир касб эгасининг ўз касб-корига қандай ёндашиш нуқтаи назаридан фарқланишлар бўлиши мумкин. Демоқчимизки, кимдир ўз касбининг жуда устаси, кимдир эса аксинча... Касбини севиб, иштиёқ билан тер тўкадиган кишининг ҳамиша иши бароридан келаверади.

Ўз касбига меҳр қўйган мақоламиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат сержанти Пўлат Юлдашев ҳақида сўз юритишдан олдин, у хизмат қилаётган ҳарбий жамоа билан қисқача таништириб ўтсак.

Подполковник Анвар Шарипов командирлик қилаётган ушбу жамоа Тошкент ва Чирчиқ гарнизонидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бу ер — автомобилларга техник хизмат кўрсатиш тармоғидир. Маълумот учун келтириб ўтишимиз мумкинки, ўтган йилги 160 га яқин автомобилларга турли кўринишдаги хизматлар кўрсатилган. Жорий йилнинг ўтган тўқ-киз ойига тааллуқли кўрсаткичларни инобатга олсак, йил якунига борис иоқоридаги рақамнинг салкам 7 фоизга ортиши кутилмоқда. Албатта, бу жамоанинг самарали меҳнати маҳсулидир.

Келинг, энди сержант Юлдашев билан сизларни таништирай. Вазифаси техник-электрик бўлган поебои мана 9 йилдирки, ушбу жамоада хизмат қилиб келмоқда. Аслида, бу даргоҳ Пўлат учун бир оз илгарироқ қадрдон бўлиб қолган. Сабаби, муддатли ҳарбий хизматининг маълум қисми айнан шу ерда ўтган-да.

— Тўғрисини айтсам, техникага ёшлигимдан қизиқаман, — дейди поебои. — Ҳарбий бўлиш нияти эса армияга боргач пайдо бўлган. Ҳарбийликнинг энг ёқадиган жиҳати эса қатъий тартиб-интизомга амал қилиниши.

Маълумки, техника «тил»ини тушуниш учун ҳам муайян билим ва тажрибага эга бўлиш зарур. Йигитнинг айтишича, бу борада илк устози капитан У. Алиевнинг хизматлари беқиёс ва у ҳанузгача устоз-офицеридан миннатдор. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни пайтгача сержантнинг ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган. Демак, бир пайтлари иқтидорли шогирд бўлган Пўлат ҳозирда ўзи устозлик қилиб, сафдошларида касбга доир кўникма ҳосил бўлишига хизмат қилмоқда.

Ўз фаолияти хусусида суҳбатдошим қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бизда техникага кўрсатиладиган хизматлар асосан икки турга бўлинади — жорий ва мавсумий. Жорий ремонт ҳам ўз навбатида икки хил бўлади. Бирида техника эҳтиёт қисмларининг алмаштирилиши, яъни нисбатан жиддий тузатиш ишлари амалга оширилса, иккинчисида махсус мойларнинг қуйилиши ёки шу каби хизматнинг кўрсатилиши билан иш битади. Мавсумий хизмат кўрсатиш ишлари эса бир мавсумдан иккинчисига ўтиш даврида амалга оширилади. Табиийки, хизматнинг бу тури нисбатан кам кўрсатилади. Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман. Ҳар қандай техника ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлишни, асраб-авайлашни талаб этади. Ўз тажрибамдан биламанки, вақтида бартараф этилмаган кичик бўлса-да техник носозлик, жиддий ремонтталаб аҳволга олиб келиши мумкин.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Пўлат Юлдашев билан бўлган суҳбатимиздан сўнг, ушбу техника «шифокор»ининг юқорида айтган гапини халқимизда мавжуд мақолга қиёсан қуйидагича талқин этдим: «Носозликни тузатгандан кўра, унинг олдини олган яхши».

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ҳушёрлик ва фидойилик

Халқ хўжалиги, ижтимоий ҳаёт ва бошқа барча соҳаларда бўлгани каби, ҳарбий соҳанинг ҳам бир қанча тармоқлари, ихтисослашган йўналишлари мавжуд. Ана шундай ихтисослик йўналишларидан бири ҲАН — ҳарбий автомобиль назорати бўлиб, у ҳарбий автомобилларнинг ҳар томонлама тўғри ва қонун-қоида асосида ҳаракатланишини назорат қилади. Ҳарбий ҳайдовчиларнинг давлат мулкига қай даражада муносабатда бўлаётгани, ҳужжатларнинг аниқ ва тўғрилиги, машиналарнинг техник ҳолати, шайлиги қай аҳволдалиги-ю, хавфсизлик томонлари каби барча жиҳатларини назорат қилиш ана шу ҲАН зиммасида. Бу эса, ўз навбатида, кишидан юксак билим, етук маҳорат ва ўта ҳушёрлик, айниқса, фидойиликни талаб қилади.

Суратда: Тошкент гарнизони ҲАН техник инспектори шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Доншёр Маллабоевнинг **(чапда)** иш жараёнидан бир лавҳани кўриб турибсиз. Гарчи сиз билан бизга оддий манзарадек кўринса-да, аслида соҳа фидойиларидан анча-муича масъулият талаб қилишини кичик сержант Д. Маллабоев ҳам таъкидлаб ўтди.

— Қани энди ҳамиша ҳам ҳайдовчилар тўлиқ қоида бўйича ҳаракатланса, — дейди Д. Маллабоев. — Ўйлайманки, келажакда бунга ҳам эришамиз. Йўлларингиз бехатар бўлсин, азиз юртдошлар!

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Александр МРУЧАК суратга олган.

ВОЗВРАЩАЮТ В СТРОЙ ТЕХНИКУ

РЕПОРТАЖ

Строго говоря, в этом и состоит предназначение авторемонтного завода (АРЗ) Министерства обороны. Пройдясь по «технологической цепочке» данного предприятия, в очередной раз убедились в том, что оно вполне успешно справляется с возложенной на него миссией.

— Если сказать, что все у нас ровно и без проблем, то это не будет соответствовать действительности, — сразу настроил наш разговор начальник завода, полковник резерва Фарход Авазжанов. — Дело новое, не без трудностей, но задачу по восстановлению прибывающей из войск техники, несмотря ни на что, все же решаем.

Собственно говоря, работа предприятия начинается даже не в цехах, а снаружи — у ворот. Вот здесь выстроилась вереницей очередная партия автомобилей, доставленных для ремонта. Осмотр ее проводят сотрудники финансово-сбытового отдела (ФСО) во главе с Азизом Бокихановым. От придирчивого взгляда инженера-техника Эркина Ходжаева не скроется ни один изъян или недостающая деталь.

— Главное требование — это комплектность в соответствии с документами, — говорит он. — Пусть будет неисправное — наладить или заменить мы обязаны, но все должно стоять на месте.

Принятые автомобили направляются на склад ремонтного фонда, где командует процессом подполковник резерва Игорь Зверев. Отсюда, согласно плану ремонта, техника распределяется по цехам. Самый крупный из них — цех капитального ремонта, возглавляемый капитаном Бахромжоном Саидовым.

На участке разборки автомобиль разбирают до рамы — сноровисто и легко работает сборщик первого поста Анвар Абдуллаев, он уже седьмой год трудится на заводе. Мастеру участка Нурлану Пулатову и слесарям Михаилу Морозову с Юрием Кузнецовым тоже хватает работы. А вот к работающему в респираторе Алексею Барсукову запросто не подойдешь — его окружает облако аэрозоля. Алексей красит кабину уже собранного автомобиля. Недалеко стоит уже собранный и выкрашенный грузовик.

Если сборочный цех образно можно сравнить со стартом и финишем проходимой автомобилем дистанции, то моторный цех — это ее середина.

— У нас две линии, на одной ремонтируем двигатели автомобилей марки КамАЗ, а на другой — ЗИЛ и ГАЗ-66, — рассказывает начальник цеха Нуъмон Назаров. — Основные виды ремонта — это шлифовка валов и ремонт головки блока цилиндров.

У шлифовального станка сосредоточенно трудится Абдукарим Юлчиев. По словам коллег, шлифовальщик пятого разряда за смену обрабатывает не менее 5 коленчатых валов. Это очень тонкая филигранная работа. Качественное ее выполнение облегчает работу и слесаря-сборщика. Так, слесарь-моторист Зарифжон Алижонов ежедневно собирает два мотора.

Кстати, Зарифжон здесь проходил еще срочную службу. Да так и остался на производстве. Традиция — воспитывать из вчерашних воинов мастеров своего дела — помогла заводу пополнить кадровый резерв.

У Фозилжона Садыкова тоже не менее ответственное дело — он делает ремонт головки блока цилиндров. При удачном проведении всей работы за смену комплектует не менее трех головок блока цилиндров. Мастером своего направления по праву называют моториста Алисанда Ибрагимова, через руки которого ежедневно проходит не менее двух двигателей.

Однако мало вернуть вторую жизнь «сердцу» автомобиля. Мотор очень важен, но без электрооборудования машина не поедет. В этом плане цех по его ремонту, возглавляемый Игорем Бобровым, можно сравнить с мастерской по наладке «нервной системы» машины. И здесь трудятся мастера высокой квалификации.

Например, слесарь по ремонту карбюраторов и топливной аппаратуры Батыр Арипов знает, что система питания — очень важный элемент исправности работы техники. Поэтому каждый бензонасос, карбюратор, форсунка проходят сначала испытания на стенде, а уже после них устанавливаются на двигателе. То же самое с электрооборудованием, слесари-монтажники Сергей Герасименко и Руслан Раупов за качество отвечают сполна.

Конечно, далеко не все автомобили подвергаются капитальному ремонту — часть идет на средний и текущий. Тогда их путь лежит через агрегатный цех, где начальником Аббос Мадалиев. Аббос ака уже 26 лет трудится на заводе, его авторитет непререкаем. Среди опытных слесарей по ремонту легковых автомобилей он назвал Миркамола Якубова, Баходира Шарапова, Бахрома Гаибназарова и Жамолитдина Эшмухамедова.

В этой занимательной экскурсии по заводу сопровождал меня заместитель директора по качеству подполковник Хашимжон Абдурахимов. Офицер до прибытия сюда служил в войсках — был заместителем командира по вооружению в отдельном ремонтно-восстановительном батальоне. Так что разницу между войсковым ремонтом и заводским знает хорошо.

— В частях нет условий для стационарного ремонта, стендовых испытаний, — говорит он. — Надо признать, что иной раз и у нас бывают рекламации, но очень редко.

Что ж, хочется пожелать трудовому коллективу АРЗ новых успехов в благом деле — поддержании высокого уровня боевой готовности автомобильного парка войск Министерства обороны.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ЯКУНИЙ СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ҚИЗИҚТИРА БИЛИШ МАҲОРАТИ

Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида якуний синов машғулотлари ниҳоясига етди. Нуфузли текширувчилар шахсий таркибнинг ҳар бир посбонига ҳар бир тайёргарлик бўйича уларнинг тайёргарлигидан, назарий ва амалий билимларни қандай ўзлаштиришганлигидан келиб чиққан ҳолда баҳо қўйишди. Посбон олган баҳо унинг жанговар шайлиги қай даражада эканлигининг белгиси. «Беш» — жанговар шайлиги аъло даражада эканлигидан далолатдир. «Тўрт» — яхши, «уч» — қониқарли degани. «Беш» билан «тўрт» баҳо олишган посбонлар иш давомида барча машғулотларда фаол иштирок этишиб, ўз устиларида жиддий ишлашганлигини кўрсатиб турибди. Энди «уч» баҳога келсак, бундай баҳо олганлар ҳақида бир оз ўйлаб, фикр айтишга тўғри келади. Уларнинг юқори натижа кўрсатмаганлигига нималар тўсқинлик қилди экан? Бир мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Ўз устиларида ишлашларига вақт етишмадимикан? Вақт ҳаммага ҳам бир хил берилади-ку! Пухта шуғулланишларига шароит йўқмикан? Бундай дейишимизга ҳам асосимиз йўқ. Мавзуни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келишса, доимо ёрдамга шай тажрибали ва билимдон устозлари бор. Адабиётлар етарли, амалий жиҳатдан шуғулланишига имконият бор.

— Менимча, — дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Раҳим Алиматов, — баъзи аскарларимиз, шартнома бўйича хизматчиларимиз ва ҳатто офицерларимизнинг якуний синов машғулотларида «уч» баҳо олишларига асосий сабаб йил давомида тегишли тайёргарлик бўйича машғулот ўтказган машғулот раҳбарининг ана шу тайёргарликка барчани бирдай қизиқтира олмаганлиги бўлса керак. Тайёргарлик бўйича машғулот ўтишга шунчаки ёндашилса, машғулот иштирокчилари ҳам машғулотга шунчаки эътибор беришади. Натижада режа бўйича сабоқ ўтилади-ю, уни ўзлаштириш масаласи очиқ қолдирилади.

Мен ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан шахсий таркибга машғулотлар ўтаман. Мен сабоқ ўтган гуруҳ иштирокчиларининг барчаси аъло натижалар кўрсатмаган бўлишса-да, ҳар қалай олган баҳолари кишини ранжитадиган даражада эмас. Машғулотларга тайёргарлик жараёнида «Ватанпарвар» газетасида берилаётган материаллардан, турли адабиётлардан фойдаланаман. Машғулотни қоғозга қараб эмас, оғзаки сўзлаб бериш керак. Биринчидан, сиз ўзингиз машғулот иштирокчилари гапингизни қандай тинглашаётганлигини кўриб, сезиб турасиз. Иккинчидан, машғулот иштирокчилари жонли ифодани қизиқиш билан тинглашади. Мавзулардан келиб чиққан ҳолда тегишли мутахассисларни машғулотларга таклиф этиш зарур. Бу машғулот иштирокчиларида қизиқиш уйғотади. Улар савол беришади, баҳсга киришади. Менинг учун муҳими — мавзуни барчанинг бирдай ўзлаштиришидир. Аслида, барчани бирдай ўзлаштириши бу нисбий тушунча, қийин масала. Ҳар ҳолда ҳаммада мавзу тўғрисида бир оз тушунча пайдо бўлади-ку. Энди қолгани ҳар кимнинг зеҳнига қараб-да. Кимдир кўпроқ илгайди, кимдир камроқ.

— Машғулотларни ўтиш чоғида, — дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Исроил Мирзаев, — турли тажрибаларни қўллаб кўриш зарур. Ҳозир аскарлар орасида ҳам, шартнома бўйича хизматчилар орасида ҳам олий маълумотлилар бор. Сиз ўтаётган мавзуни улар сиздан чуқурроқ билишлари мумкин-ку. Тортиниманг, уларнинг билимидан фойдаланинг. Бунда ҳеч ким ҳеч нарса ютқазмайди. Аксинча, ютилади. Машғулот иштирокчиларининг машғулотга бўлган қизиқиши янада ортади. Аслида, сизга шу керак-ку. Қизиқиш уйғондими, демак, ўрганишга иштиёқ туғилади. Сиз жараённи бошқариб турсангиз бўлди. Бу, албатта, якуний синов машғулотларида ўз мевасини беради.

Икки тажрибали тарбиячи офицернинг фикрларига қўшилган ҳолда ўзим ҳам баъзи бир мулоҳазаларни баён этмоқчиман. Менинг ҳам фикрларим ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига оид, албатта.

Ижодий сафарда бўлган чоғимда баъзан ана шу машғулотларда ҳам иштирок этишимга тўғри келади. Гоҳо, машғулот раҳбари газетамизда уларга ёрдам тариқасида чоп этилган материални нуқта, вергулигача қўймай ўқиб беради. Ҳатто, машғулот иштирокчиларига газетадан олинган баъзи бир иқтибосларни дафтарига ёздиради ҳам. Қўлидан газетани олиб қўйсангиз, сўз топишга қийналиб қолишади. Ўйлаб қоласан киши, у машғулотга тайёргарлик кўрдимикан ўзи? Энди айтингчи, машғулот ўтказувчининг ўзи машғулотга жиддий тайёргарлик кўрмаса, машғулот иштирокчилари ушбу тайёргарликка жиддий ёндашишадими? Албатта, йўқ. Бу ерда, умуман, қизиқиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Мана, яқинда янги ўқув мавсуми бошланади. Айни кунларда тайёргарлик жараёни кетяпти. Ҳар бир ижтимоий-сиёсий тайёргарлик раҳбари машғулот иштирокчиларини машғулотларга қандай жалб этиш, қизиқтириш керакligини шу кунларда яна бир бор ўйлаб, жиддий тайёргарлик кўриши зарур. Ана шунда шунчаки — «уч» баҳолар бўлмайди. Хўш, бу борада сиз нима дейсиз, машғулот раҳбарлари? Фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутамиз.

Подполковник
Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БИЛИМНИНГ ФОЙДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ғафуров иқтидорли, дунёқараши кенг аскар. Хизмат бурчига катта масъулият билан ёндашади. Ана шунинг учун ҳам у ҳақда ҳар қанча ижобий фикр билдирсак арзийди. Мен унинг келгусида янада улкан муваффақиятларни қўлга киритиб юртимиз, халқимизнинг фидойи фарзандларидан бири бўлишига ишонаман, — дейди гуруҳ командири катта лейтенант Кенес Бекбоев.

Якунланган кузги синов-имтиҳонлари унинг ўз имкониятларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Ғуломжон Ғафуров хизматдан сўнг илм олишни яна давом эттириб, магистратурада ўқимоқчи. Ҳарбий хизматда тобланган посбонга омад кулиб боқиши аниқ.

Майор Н. АЗИМОВ.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРДАН ЗАВҚЛАНИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Фарҳод Абдуллаевнинг оиласи Каромат ая ўз оналик дуосини бериб, ўғлонларни она-Ватанга берган онтига доимо содиқ бўлишга даъват қилди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганлар номидан сўзга чиққан Дилмурод Аҳмедов бир ой мобайнида ҳарб илмини ўргатган командирларига миннатдорчилик билдириб, Ватанга содиқлиқ сўзини амалий ишларда доимо тасдиқлаб туришларига ишонтирди.

Тантана ниҳоясига етгач, ота-оналар билан учрашиш учун фурсат берилди. Оҳангарон шаҳридан келган Умиджон Зоитов ва Қаҳрамон Рисқуловлар ҳам яқинлар қуршовига тушиб қолди.

— Илойим, осмонимиз тинч, болаларимиз имонли, эътиқодли бўлиб Ватанимизга хизмат қилаверсин, — дейди Тожинисо она Қўчқорова. Бувиларнинг дуосини олган йигитлар ўзларини юрт корига яровчи ўғлонлар бўлганликларини яна бир бор ҳис қилишди.

Ҳа, Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими шундай ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Ҳарбий оркестр ижросидаги марш остида сафда шаҳдам қадам ташлаётган йигитларга юзкина болакайлар ҳавас билан боқишади. Вақти келиб, улар ҳам Ватан химоячилари орасидан ўз ўринларини эгаллашади.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Подполковник
Ярослав КОРУКА
олган суратлар.

● ҚАРОР ВА ИЖРО

«Офицер бўлмоқчиман»

Қарши темирйўл шоҳбекатида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни уйига кузатиш маросими бўлди.

Унда иштирок этган ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари хизматни ўтаб ота-онаси бағрига қайтаётган аскарларни Ватан олдидаги муқаддас бурчини муваффақиятли адо этганлари билан қутлади.

— Ёруғ юз билан уйига қайтаётган йигитлар энди мустақил ҳаётга дадил қадам қўядилар, — дейди Жанубий ҳарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шуҳрат Холмуҳамедов. — Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига асосан улар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга жойлашишда «қатор имтиёзлардан фойдаланадилар. Бундан ташқари, хизмат давомида жанговар ва ҳарбий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган аскарларга ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан тегишли Тавсияномалар берилди. Энди бу йигитлар олий ўқув юртларига юриш учун тест синовларида тўпланадиган энг юқори балларнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзга эга бўлиши мумкин».

— Менга ҳарбийлар ҳаёти — қатъий тартиб-интизом, режали иш юритиш, уюшқоқлик жуда ёқди, — дейди фаргоналик Фатхулла Мамажонов. — Муҳими, бирор дақиқа ҳам вақтинг беҳуда кетмайди — муттасил ўқиб-ўрганасан, машқ қиласан. Шунинг учун ҳарбий хизматни давом эттиришга қарор қилдим — келгусида офицер бўлмоқчиман. Ҳарбий билим юртига кириб ўқийман.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Военно-политические новости

ПРОТЕСТ

Министерство обороны России заявило протест американской стороне в связи с утверждением представителя Пентагона Джона Шоу о том, что российские военные причастны к вывозу из Ирака сотен тонн взрывчатки. «В министерство обороны России был вызван военный атташе при посольстве США в Москве, где ему был заявлен решительный протест в связи с заявлением Джона Шоу», — сообщил источник в российском военном ведомстве. Шоу сделал свое заявление о причастности россиян к вывозу взрывчатки из Ирака газете «Вашингтон Таймс».

ЗАСТРЕЛЯН БОЕВИКАМИ

В иракском городе Баакуба боевиками застрелян заместитель губернатора провинции Дияла Акиль Хамед аль-Адели. Об этом сообщили в местной полиции. Остальные подробности пока неизвестны.

ЕСЛИ БУШ ПОПРОСИТ

Посол США в Берлине Дэниэль Коутс в радиоинтервью заявил, что он рассматривает возможность занятия поста министра обороны США в случае переизбрания Джорджа Буша. По его словам, если Буш попросит Коутса стать министром, то он серьезно подумает над этим. В 2000 году Коутс был главным кандидатом на пост главы Пентагона. Однако эту должность занял Дональд Рамсфельд.

ВОССТАНОВЛЕНА

Агентурная работа в целом восстановлена, считает директор ФСБ Николай Патрушев. В 1990-е годы потенциал агентурной работы во многом был утрачен, сказал Патрушев. Однако по его словам, ситуация с кадровым составом в органах безопасности стабилизировалась.

НА 3-ю ДЕКАДУ ДЕКАБРЯ

Испытательный пуск ракеты с мобильного комплекса «Тополь-М» планируется на третью декаду декабря. Об этом сообщил генеральный директор Московского института теплотехники Юрий Соломонов. По его словам, комплекс «Тополь-М» может войти в государственный оборонный заказ в 2005 году.

ЧРЕЗВЫЧАЙНЫЕ МЕРЫ...

Генпрокурор России Владимир Устинов предлагает прописать в законе «О противодействии терроризму» ряд чрезвычайных мер противодействия террору. По мнению Устинова, в законе следует предусмотреть нормы об упрощенной процедуре судопроизводства, контрзахват заложников, институт контрагентов, защиту свидетелей и лиц, внедренных в террористические организации, страхование террористических рисков и денежные вознаграждения граждан за информацию.

ЧАСТЬ ОБЕЗВРЕЖЕНА, НО...

Спецслужбами установлены более 80 террористов-смертников, которые прошли подготовку за рубежом и могут быть направлены в Россию для совершения терактов. Об этом сообщил, выступая в Госдуме, директор ФСБ Николай Патрушев. Он отметил, что часть из них была обезврежена, но у отдельных террористов имеется при себе до семи документов, удостоверяющих личность.

УБЫТКИ ОТ ТЕРАКТА

Теракты на Синайском полуострове могут принести убытки Египту в размере 200 млн. долларов в этом году. Об этом заявил министр туризма страны Ахмед аль-Маграби в интервью газете «Аль-Ахрам». По словам министра, ожидаемый приток туристов должен сократиться на 200 тыс. человек, что принесет потери Египту. Ранее министерство туризма прогнозировало, что в этом году в Египте отдохнут 7,2 млн. человек.

(По материалам Интернета).

ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига қилган сафарида Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактабига ташриф буюрди. Мазкур ўқув масканида бўлғуси сержантларнинг замонавий талаблар асосида қандай таълим олаётгани, уларга яратилаётган шарт-шароитлар билан қизиқди. Мутасаддиларга тегишли йўл-йўриқ, кўрсатмалар берди. Сержантлар аскарларнинг устози бўлиши керак, деди Юртбошимиз ўз сўзида. Ана шу ташриф, сержантлар тайёрлаш масаласига берилаётган устувор эътибордан келиб чиқиб, Марказий ҳарбий округдаги мактаб хусусида сўз юритмоқчимиз.

Самарқанддаги бу ҳарбий ўқув маскани чегара қўшинлари учун ҳам кичик командирлар тайёрлаб беради. Албатта, бу йўналишда ҳам моддий-ўқув база ёмон эмас. Аммо чегара қўшинларидан келган мутасадди ҳарбийлар амалий машғулотларга янада эътибор бериш фикрини билдиришиб, яхши бир ташаббусга сабаб бўлишди. Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳудудида чегарачилар шаҳарчаси бунёд этилди. Тўғри, полигонда барча шарт-шароитлар бор эди. Аммо полигон бир оз узоқ, тез-тез амалий машғулотларга чиқиш ортиқча ташвиш, харажатга сабаб бўлади. Шаҳарчани кўздан кечираман. Давлатимиз рамзи — байроғимиз тимсоли туширилган устунлар мамлакат чегараси бошланганидан далолат. Тиканли симлар тортилган, улар ёнига қум ётқизилган. Чегара бузувчи қадам қўйган ҳамоно изи қолади. Кузатув минораси, чегарадан ўтувчиларга мўлжалланган назорат-ўтиш жойи, қоровул наряди учун дам олиш вагончаси, давлат чегараларини қўриқлашга буйруқ олинадиган жой, қуролни ўқлаш учун мослама, хуллас, бари-бари табиийликни акс эттириб турибди. Тўғри, чегара қўшинларида аскар бўлиб хизмат қилган курсантларга бу манзаралар таниш. Бироқ бошқа қўшинда муддатли ҳарбий хизматини ўтаб, чегарачи кичик командир бўлишга аҳд қилганлар учун янгилик. Таъкидлаш жоизки, мазкур шаҳарча амалий кўникмаларни янада шакллантираяпти.

Компьютер синфидамиз. Бу ерда сабоқларни соҳа билимдони катта лейтенант Дмитрий Хван олиб боради. «Курсантларга машғулотларнинг дастлабки икки ойида компьютер илмидан сабоқлар ўтамиз. Ана шу муддатда улар компьютер билан ишлашни ўзлаштириб олишаяпти. Ҳатто баъзи бўлғуси кичик командирларимиз бу борада америкалик ўриқчи сержантлар билан тенгма-тенг ишлашяпти», дейди катта лейтенант фахр билан. Компьютердан фойдаланаётган сержантларни кузатамай. Нафақат биронбир матнни тайёрлашни, балки дизайн техникасини, моделлаштиришни ҳам тушунадиганлари бор.

Икки ойча муқаддам ташкил этилган тарғибот марказидан курсантлар турли адабиётларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга дахлдор муҳим хабарларни олиши мумкин. Дейлик, унда ўзбек тилидаги, лотин алифбосидаги турли бадиий адабиётларни, ҳуқуқий мавзудаги китобларни топиш мумкин. Эрталаб соат еттидан кечқурун саккизгача тарғибот марказининг эшиги очиқ. Шинам, файзли марказда диван, креслолар қўйилган. Доимо навбатчи бўлади. Яъни, навбатчи орқали керакли адабиётларни топишингиз, бирон масала юзасидан ундан маълумот олишингиз мумкин. Масалан, бугунги кунда сайлов масаласи долзарб. Тарғибот марказига кирсангиз, сайлов билан боғлиқ кўплаб маълумотларни топасиз.

Маънавият ва маърифат хонаси тарғибот марказининг ёнгинасида. Бу ерда турли учрашувлар, тадбирлар ўтказилади. Хона тўғридаги экранга видеопушка орқали тасвирни тушириб, машғулотларни кўргазмали тарзда ўтказиш, турли кинофильмлар, видеофильмларни томоша қилиш мумкин. Буларнинг бари бўлғуси сержантларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражасини оширмоқда.

Жорий йилнинг июль ойида компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажёри ишга тушди. Компьютер илмидан олинган сабоқлар бу ерда қўл келаяпти. Хўш, мазкур тренажёрнинг афзаллик томонлари нимада? Аввало бу замонавий тренажёрда машқ бажарилганда ўқ-дори тежалади. Қолаверса, ўт очиш тайёргарлигидан амалий машғулотлар учун, жанговар қуролдан нишонга отиш учун полигонга чиқишга доим ҳам имкон топилавермасди-да. Ана энди масаланинг услубий жиҳатига ўтайлик. 800, 1000, 1200 метрлик шартли нишонлар компьютерга уланади. Автомат, пистолет, снайпер милтиғига махсус мослама ўрнатилади. Ниҳоят нишонга қарата ўт очилади. Ўриқчи компьютер ҳатто нишонга қарата отган ҳарбийнинг ўқ узишдан олдинги ва кейинги қўл силкинишларигача аниқ чизиб кўрсатади. Мўлжалга нега аниқ тегмагани кундай равшан. Буни инструктор компьютер монитори орқали курсантга кўрсатди. Кейинги сафар бу хатолар қайтарилмади. Нишон яксон этилди. «Келгусида ўқ отиш тренажёрида компьютер орқали жанг шовқинини бериш кўзда тутилган. Айни пайтда эса фақат ўқ отилгандаги шовқин эшитилди. Бу машққа янада жанговар рух билан киришишга туртки бўлади. Тренажёрда машқ қилиб тобланган ҳарбий полигонда аниқ, эркин, ишончли ҳаракат қила олади. Тўғри, даставвал курсантларда бироз қийинчиликлар бўлди. Айни пайтда эса уларда кўникма, тажриба бор», дейди инструктор.

Шундан сўнг замонавий спорт жиҳозлари билан жиҳозланган тренажёр залига бордик. Пойтахтда ана шундай жиҳозланган пуллик фитнесс марказини кўргандим. Мана, бугун «Парнимпекс» фирмасига қарашли замонавий жиҳозлар бўлғуси сержантлар ихтиёрида. Жадвал бўйича шуғулланиш тақсимлаб қўйилган. Баданни чиниқтириш, мушакларни тоблаш, вазнин ошириш ва камайтириш машқларини бажаришингиз мумкин. Уч нафар мураббий назоратида, албатта. Улар — шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Неъмат Қодиров, Жасур Рашидов, Ҳаёт Воҳидовлар. Тренажёрларда 6 килограммдан 72 килограммгача бўлган спорт тошлари бор. Оёқ, қўл, елка, умуртқа поғонаси ҳаракатларига мўлжалланган тренажёрлардан мураббийлар тавсиясига биноан бемалол фойдаланасиз. «Бу спорт жиҳозлари бўлғуси кичик командирларни жисмонан янада баркамоллаштиради», дейди кичик сержант Воҳидов.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳарбий бунёдкорларимиз замонавий талабларга жавоб берувчи, усти ёпиқ спорт залини кейинги ойда — ноябрда фойдаланишга топшириш ваъда беришмоқда. Бу ерда подполковник Комил Аҳмедов командирлик қилаётган жамоанинг бунёдкорлари тер тўкишмоқда. Қолган гапни взвод командири катта лейтенант Содиқ Собировдан эшита қолайлик: «Айрим пардозлаш ва майда-чуйда таъмирлаш ишлари қолди. Кейинги пайтда қилинган асосий ишлар чироқлар қўйилиши, пол қилиниши билан боғлиқ. Залдан ташқари бинода қозонхона, мураббийлар хонаси, душ, ҳожатхона, тиббиёт хоналари бор. Жаҳонгир Саидов, Ортиқ Усмонов, Алимардон Умаралиев каби қўли гул, бунёдкор аскарларимиз хизматини таъкидлаб ўтмоқчиман». Маълум бўлишича, бино ичига ўрнатиладиган спорт жиҳозлари деярли олиб келинган. Демак, навбатдаги курсга келадиган ўғлонларимиз шинам, кенг бу спорт залида бемалол, волейбол, баскетбол, минифутбол ўйнаши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида «Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, эски маънодаги казарма деган тушунчадан бутунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офицерларимизни ривожланган давлатлар армияларидаги каби барча қулайликларга эга бўлган замонавий турар жойлар билан таъминлаш, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун муносиб шароит яратиб бериш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак», деганди. Бунинг исботи сифатида биргина мисолни — тилга олинаётган сержантлар тайёрлаш мактабидаги меҳмонхонани айтиб ўтиш мумкин. Мебеллар, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган икки кишилик хоналарни кўздан кечираман. Жорий йил мартида Германияда бўлганимда Бундесвернинг ётоқхона типидаги меҳмонхонасига жойлаштиришганди. Душ, ҳожатхона умумий экан. Таърифини келтираётган меҳмонхонамизда бундай қулайликлар хона ичида. Бунинг устига дам олиш хонасига параболик антеннага уланган телевизор, мусиқий марказ қўйилган. Юмшоқ мебеллар — диван, креслоларда ўтириб телевизор кўриш, мусиқа тинглаш, хонадаги адабиётларни мутолаа қилиш мумкин. Маиший хизмат хонасига эса замонавий кир ювиш машиналари ўрнатилган. Бундесвернинг мен турган ўша меҳмонхонасида эса бундай қулайликларни кўрмагандим. Ҳа, жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни моделлаштириш, компьютер ва ахборот технологиялари билан, замонавий фан ютуқлари билан бойитишдан ташқари, ҳарбийларимизнинг яшаш шароитларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Мазкур сержантлар тайёрлаш мактабининг очилиш маросимида қатнашиб, моддий-ўқув базаси билан танишгандим. Мана, шунга ҳам 3 йилдан зиёдроқ вақт бўлибди. Мактабнинг бугунги «қиёфаси»ни кўриб, ўзимни ривожланган бир мамлакатнинг бирон ўқув марказида юргандек ҳис қилдим. Ҳаёлимдан эса шу фикрлар ўтди: «Ҳали ривожланган мамлакатлар ҳарбийлари ҳам қойил қоладиган даражага етамиз. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, кам бўлмаслигимизни исботлаймиз».

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Подполковник Ярослав КОРУКА олган суратлар.







● ШУНДАЙ САНАЛАР БОР

Олтин кузнинг сўнгги ойида

7 ноябрь — Абдураҳмон Жомий (1414—1492 й.) таваллудига 590 йил тўлади. Шарқнинг таниқли шоири, маърифатпарварининг адабиётимизда тутган ўрни беқиёс. Навоий ва Жомий муносабатларининг ўзи ўша давр муҳим ҳодисаларидан бири бўлган. Мазкур сана муносабати билан китобхонлик, шеърхонлик кечалари ташкил этиш мумкин.

16 ноябрь. 1996 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 51/205 резолюция билан Халқаро сабр-тоқат кунини белгилади. Шундан эътиборан 16 ноябрь халқаро сана сифатида нишонлаб келинади.

17 ноябрь — Халқаро талабалар куни.

18 ноябрь. Бундан 13 йил муқаддам, 1991 йилнинг 18 ноябрида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида давлатимиз рамзи бўлган байроқ қабул қилинди.

20 ноябрь. Халқаро ҳамжамият эътиборини кенгроқ жалб этиш учун БМТ Бош Ассамблеяси бу кунни Африкани индустрлаштириш халқаро куни сифатида белгилади. Яъни, 1989 йилнинг 22 декабрида 44/237 резолюция қабул қилинди.

21 ноябрь — Бутунжаҳон телевидение куни. 1996 йилда БМТ Бош Ассамблеяси бу борада резолюция қабул қилган.

22 ноябрь — Жанговар байроқ қабул қилинган кун. Яъни, 1993 йилнинг 22 ноябрида «Қуролли Кучлар ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида» Фармон эълон қилинди.

25 ноябрь — Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши халқаро кураш куни. 1999 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 54/134 резолюцияси билан шу санани тасдиқлади.

ТАҲРИРИЯТ.

Новости науки и техники

НОСКИ С ЭЛЕКТРООБОГРЕВОМ

В скором времени для того, чтобы держать ноги в тепле, не нужно будет надевать несколько пар шерстяных носков. Вполне достаточно будет одной пары, но не простых, а «умных» носков. Их производство новозеландская текстильная фирма «Канезис нетуорк» вместе с австралийской компанией «Острэлиан вул иннووейшис» (ОВИ) намерена наладить уже в конце этого года. «Умные» носки будут изготавливаться из обычной шерсти, в которую вплетаются электропроводящие волокна. Они имеют достаточно высокое сопротивление, чтобы нагревать носки и держать ноги в тепле. Отсутствие каких бы то ни было металлических нитей позволит ткани сохранить и все достоинства обычной шерсти.

Согревать «умные» носки будет маленькая батарейка, похожая на те, что используются в мобильных телефонах. С тканью носков ее будет соединять специальная проводящая нить. Батарейки можно присоединять к самим носкам или, если речь идет, скажем, о спортсменах, к сапогам или ботинкам. Через три-четыре часа работы носки прогреются до достаточно высокой температуры, после чего батарейку можно выключить.

Разработчики не забыли и о мерах безопасности. У батарейки низкое напряжение, так что «умные» носки не будут представлять опасности даже в том случае, если намокнут.

НОВЫЙ ПРЕПАРАТ ОТ СПИДА

Команда американских и швейцарских ученых испытала на макаках новый препарат, который, как они полагают, помогает предотвратить передачу вируса иммунодефицита половым путем. По словам ученых, этот препарат никогда не применялся на людях. Препарат блокирует некоторые молекулы в клетках слизистой оболочки, которые наиболее подвержены проникновению вируса. Ученые под руководством американца Майкла Ледермана говорят, что люди, у которых наблюдается недостаток или отсутствие таких молекул в клетках, практически защищены от ВИЧ. В настоящее время медикам предстоит выяснить, аналогично ли действие препарата на людей. Препарат, которым врачи покрывали слизистую оболочку самок макак, является модифицированной версией человеческого белка. Открытие было представлено на встрече Американской ассоциации медиков в Вашингтоне.

(По страницам Интернета).

● ҚУЗГИ ЧАҚИРУВ-2004

Намунали ўтказишга интилмоқда

Фарғона вилоятн мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлганимизда, ҳовли одамлар билан гавжум эди. Чақирилувчилар комиссияга киришга тайёрланаётганлиги, кўрик-танловдан ўтганларнинг гарнизонлардан келган вакиллар билан суҳбатлашаётганининг гувоҳи бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, гарнизонлардан келган офицерларнинг бирини суҳбатга таклиф қилдик.

— Бир неча командаларни тўплашга ҳам улгурдик, — дейди Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасидан келган подполковник Одилжон Усмонов. — Сараланган йигитлар билан танишиш вақтида танловга жиддий ёндашилгани сезилди. Нафақат соғломлиги, шу билан бирга интеллектуал даражаси анча юксак эканлиги қувонарли, албатта.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Козимжон Баҳроновни хонасида учратиш қийин — бу кунларда у туманларга тез-тез чиқиб туради ва кўрик-танлов асосида кечаётган чақирув ишларини назорат қилади.

— Чақирув комиссиямизнинг раиси, вилоят ҳокими ўринбосари Акром Иноятов барча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказганди, — дейди подполковник К. Баҳронов. — Ушбу йиғилишда баҳорги чақирув натижалари таҳлил қилинди ва йўл қўйилган айрим камчиликларни такрорламаслик учун тегишли кўрсатмалар берилди. Айниқса, туман ҳокимлари қабул қилган қарорларда касбий-руҳий танловни ўтказиш тартиби батафсил кўрсатилган.

Бошқарма бошлиғи туманларда ўтказилаётган танловлардан олган таассуротларини ўртоқлашар экан, биринчи навбатда тест якунлари натижалари ҳар бир чақирилувчига етказилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Эътирозлар бўлган вақтда тўпланган баллар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилишини эслатди.

Танловни сифатли ўтказаётган Фарғона (бошлиғи — подполковник Орифжон Жўраев), Қува (бошлиғи — подполковник Ҳакимжон Исоқов), Қувасой (бошлиғи — подполковник Улуғбек Умаралиев) ва Олтиариқ (бошлиғи — майор Умиджон Хўжамбердиев) туманлари мудофаа ишлари бўлимларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Вазирлар Маҳкамаси Қарорида Қуролли Кучлар сафларига бораётган йигитларни тантанали кузатиш масаласига ҳам урғу берилган. Бу борада вилоятда қатор тадбирлар ўтказилган экан. Масалан, «Чақирилувчилар куни»да вилоят ҳокими ўринбосари Акром Иноятов, Шарқий ҳарбий округ масъул ходими подполковник Рустам Мухторов, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» каби жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Шу куни Термиз, Қарши, Бухоро ва Жиззах гарнизонларига жўнатилган фарғоналиклар айтилган эзгу тилакларни узоқ ёдида сақлашлари шубҳасиз.

Бошқарма чақирув бўлимининг бошлиғи подполковник Ўктамбой Камоловни биз тезкор навбатчи хонасида учратдик.

— Талабчан бўлмасанг, режалаштирилган ишлар орқага сурилиши турган гап, — дея изоҳлади, у вазиятни. — Ҳозирча жиддий муаммоларга дуч келмадик, аммо айрим туманлардан йигитларнинг бир оз кечикроқ келаётгани ишимизга таъсир қилаяпти.

— Қаранг, бундай алиқомат йигитлар бизни сира уялтириб қўймайди, — деди у йиғин пунктига чиққанимизда қувонч билан. — Ватан олдидаги йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб келишга ваъда қилишди.

Биз борган куни Охунбобоев туманидан келган бир гуруҳ йигитлар тиббий комиссиядан ўтаётганди.

— Мен Оқтепа қишлоғиданман, саноат касб-ҳунар коллежида ўқиб чиққаним танловдан муваффақиятли ўтишимга катта ёрдам берди, — дейди биринчи суҳбатдошимиз Илҳом Жумабоев. — Шифокорлар ҳам ҳозир хизматга яроқли деб хулоса чиқаришди. Демак, армияга боришимга тўсиқлар йўқ, десам бўлади.

— Мен эса ҳайдовчи касбини эгалладим, — дейди Лангар қишлоғидан келган Роҳат Жалолов. — Оиламизда энг катта ўғилман, шунинг учун укаларимга ибрат бўлишим керак.

— Мен эса миллий ҳунармандчилик коллежида таҳсил олдим, — дейди Ҳумтепа қишлоғидан келган Мухтор Орипов. — Қўлимда ҳунарим бўлса, қаерда бўлишимдан қатъи назар, касбимга яраша керак бўласан. Бу ҳақиқат армияда ҳам қўл келишига ишончим комил.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари билан хайрлашишдан аввал, яна бир янгликни эшитдим — туманлардаги мудофаа ишлари бўлимлари томонидан резервга бўшаётган аскарлар рўйхати тузилиб, туман ҳокимлигига уларни иш билан таъминлаш тўғрисида хатлар жўнатилади. Бу ҳам ҳукумат қарорининг ижро этилишига қаратилган амалий ишдир. Самарасини эса вақт кўрсатади.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В ДОБРЫЙ ПУТЬ...

Кажется, совсем недавно эти воины, впервые надев военную форму, встали в строй воинской части Караульных войск, где командиром полковник Ш. Чиналиев. Сегодня же уже подошло время им в числе самых первых уволиться в резерв. Незаметно пролетел год напряженных солдатских будней, бессонных дежурств и караулов, волнений и переживаний, наполненных высоким смыслом служения Родине. Они, как говорят командиры, безупречно выполнили свой конституционный долг, и время службы стало для этих молодых людей действительно проверкой на силу воли, мужество и стойкость. А теперь их ждут уже иные дороги и пути.

Накануне увольнения я встретился с некоторыми из них и попросил ответить на интересующие вопросы.

— Что дала вам служба в войсках?

Рядовой Темур ХАСАНОВ (призванный из Сырдарьинской области):

— Может быть, я скажу общеизвестные слова, но служба действительно стала для каждого из нас школой жизни, ибо мы не только окрепли физически, но стали по-настоящему взрослыми людьми и в мыслях, и в поведении. Научились ответственно относиться ко всему, жить в коллективе, уважать и прислушиваться к мнению других людей, приобрели многих друзей из различных регионов страны. Все это, безусловно, пригодится в жизни.

Рядовой Темур АБДРИМОВ (г. Хорезм):

— Служба дала очень многое. Мы приобрели воинские специальности, научились владеть оружием, умело действовать на «поле боя» и в различных ситуациях. Одним словом, стали полноправными и настоящими защитниками страны. Спасибо всем нашим командирам за учебу и заботу о нас, за то, что они всегда были рядом с нами, как требовательные и заботливые родители.

— Какие ваши дальнейшие планы? Чем будете заниматься после службы?

Рядовой Зафар СОИПОВ:

— До призыва я закончил колледж по профилю информатики, немного работал в Мингбулакском хокимияте, а сейчас буду поступать учиться в Наманганский университет, факультет правоведения. Командование части выдает мне рекомендацию для поступления в вуз, дающую установленные законодательством льготы в виде дополнительных баллов. Такие же рекомендации получают и многие другие мои товарищи.

Рядовой Дильмурод РУСТАМОВ (г. Ташкент):

— А я пойду работать на производство (до призыва я уже работал на одном мебельном предприятии) и думаю, что проблем с трудоустройством не будет, тем более что в Постановлении Кабинета Министров прямо записано, что отслужившие срочную военную службу пользуются преимущественным правом приема на работу в государственные учреждения, организации и предприятия как люди, прошедшие армейскую школу мужества и патриотического воспитания, получившие военную подготовку и жизненный опыт.

Рядовой Джурабек АХМАДАЛИЕВ (Наманганская область):

— Я из сельской местности, закончил сельскохозяйственный колледж и стал механизатором. С детства видел, как мои родители и односельчане, зная цену земле — источнику всех наших благ, с любовью относятся к ней, не жалея своих сил и труда, берегут и благоустраивают ее. Закончив службу, я возвращаюсь в родной Нарынский район, буду трудиться на земле.

— Что бы вы посоветовали тем воинам, которым предстоит еще служить, кто только что пришел на смену вам?

Рядовой Анвар ТУТАШЕВ (г. Фергана):

— Конечно, отличной службы и успешного выполнения поставленных задач, благополучного потом возвращения домой. Не надо бояться трудностей, надо с первого дня приучать себя к строгому воинскому порядку и точному выполнению распорядка дня, требований Общевоинских уставов и Военной присяги. Без этого не может быть хорошей службы.

...В добрый путь молодые юноши, отслужившие установленный срок срочной военной службы! Уверен, что полученные в период службы знания и закалка помогут вам всегда быть настоящими патриотами независимого Узбекистана.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

● МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

2004 йил 27 октябрь куни пойтахтимиздаги Офицерлар марказий уйида Тошкент ҳарбий округида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишларининг якунларига бағишланган Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори, Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси адлия майори Бахтиёр Мирмаҳмудов бошқарди ва ана шу мавзуда маъруза қилди.

Нотиқнинг таъкидлашича, округда тўққиз ой давомида қисм ва бўлинмаларда ҳуқуқ-тартибот, интизомни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида каттагина ишлар амалга оширилган. Бунда адлия ходимлари, хусусан прокуратура ходимлари билан яхши алоқа ўрнатилганлиги ўз самарасини берган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчилик сезиларли даражада пасайган. Бироқ, бу ҳамма ишлар жойида, дегани эмас. Баъзи жойларда интизомни мустаҳкамлаш борасида ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги сабабли тартиб-интизомни бузиш, жиноятчилик ҳолатлари учраб турибди.

— Прокуратурани фақат жазолаш органи, деганлар қаттиқ янглишади, — деди адлия майори Б. Мирмаҳмудов. — Прокуратура сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилувчи, керак бўлса, ёрдам берувчи ташкилотдир. Қайсики командир прокуратура билан алоқани яхши йўлга қўйса, ўша ерда ҳуқуқ-тартибот борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Прокурор қисм ва бўлинмалар командирлари, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларини биргаликда ишлашга чорлади.

Кўрилган масала юзасидан Чирчиқ ҳарбий гарнизони ҳарбий прокурори адлия подполковниги Адҳам Аҳмедов, адлия подполковниги Ўктам Ҳамроев ва бошқалар сўзга чиқишди. Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишида Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Подполковник Абдуразоқ ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ҚИШ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

ЛАФЗИ БИЛАН ИШИ БИР

Биз Термиз гарнизонига қилган сафаримиз чоғида гарнизон Уй-жойдан фойдаланиш қисмида бўлиб, майор Шоҳимардон Ибрагимов бошчилигидаги ушбу ҳарбий жамоанинг фаолияти билан танишдик.

Биз май ойида ҳам Термиз гарнизонида бўлиб, ҳарбийларнинг оилалари истиқомат қилаётган «Сурхон» ётоқхонасида бўлган эдик. Тўғрироғи, ётоқхонадаги аҳвол яъни тўрт қаватли бу бинода узоқ вақтдан буён таъмирлаш ишларига умуман қўл урилмаганлиги, иссиқ сув у ёқда турсин, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган совуқ сув ҳам тўрт-беш йилдан буён ётоқхонада яшовчиларнинг орзуси бўлиб келаётганлиги бизда кўнгилсиз таассурот қолдирган эди. Бу ҳолат эса ҳарбий оилалар учун жануб шароитида қай даражада қийинчилик туғдирганлигини тасаввур қилаверинг. Чунки барча эҳтиёжлар учун кўп қаватли уйга сув ташиб истиқомат қилишнинг ўзи бўлмайди албатта. Бундай кўнгилсиз ҳолатга изоҳни эса, биз, албатта, Термиз гарнизони Уй-жойдан фойдаланиш қисми бошлиғи майор Шоҳимардон Ибрагимовдан изладик. Бироқ, ушбу вазифада иш бошлаганига эндигина бир ой бўлган қисм бошлиғи билан суҳбатдан сўнг ҳамда унинг фаолияти билан танишув жараёнида бу борадаги хулосамиз бир оз тиниқлашди. Яъни, майор Ибрагимов ётоқхонани таъмирлаш учун тегишли режа ишлаб чиқиб, жиддий тайёргарлик кўраётганлигига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, қисм бошлиғининг бошқа объектларда бир ой давомида амалга оширган ишлари эътиборга лойиқ эди. Шу сабабли биз Шоҳимардоннинг лафзи билан иши бир эканлигига ишондик.

Мана, орадан маълум вақт ўтиб, биз яна ижодий иш билан Термиз гарнизонидамиз. Режамизда эса гарнизон Уй-жойдан фойдаланиш қисмининг қишга тайёргарлик фаолиятини ёритиш ҳам белгиланган. Ўз-ўзидан аёнки, ушбу режамиз бўйича биз дастлаб «Сурхон» ётоқхонасига йўл олдик. Ўтган гал бизни хижолатлик билан қутиб олган ётоқхона мудираси Ражабой Муҳаммадиева бу гал очиқ чеҳра билан қарши олди. Етоқхонада таъмирлаш ишлари ҳали якунига етмаган экан. Таъмирдан чиқарилган қаватларда оилалар истиқомат қилишаяпти, маълум қисмида эса таъмирлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Таъмирлаш ишларини кўздан кечирамиз: беш йил сув бўлмаганлиги туфайли яроқсиз ҳолга келган сув қувурлари, сантехника жиҳозларининг барчаси янгиланган, йўлакдаги эскириб кетган линолеум ўрнига мармар бўлаклари ётқизилган, барча хоналар қайта сувоқдан чиқарилиб, пардозланган, ошхона ва ювиниш хоналарида ҳам етарли даражада таъмирлаш ишлари бажарилган. Шунингдек, электр-монтаж ишлари амалга оширилиб, электр узаткич тармоқлари бутунлай ўзгартирилгани, йўлакларда бир хил қандилларнинг порлаб тургани қувонарли ҳол эди. Энг асосийси, хонадонларнинг истеъмол суви билан таъминлангани бизни жуда қувонтирди.

— Биз «Сурхон» сингари ҳарбий ётоқхоналарни доимий равишда сув билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди майор Ибрагимов. — Бунинг учун барча имкониятларимизни ишга солаяпмиз. Шунингдек, ҳозирда барча ҳарбий жамоа ва бўлинмаларда қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан таъмирлаш ишлари охирига етказилаяпти. Икки юздан зиёд ишчи-хизматчиларимизнинг барчаси ўз вазифаларини масъулият билан адо этишмоқда. Булардан сантехника ва сув тармоқлари бўлими бошлиғи Камол Рустамшоев, электр тармоқлари бўлими бошлиғи Шамил Казаев, қурилиш ва таъмирлаш гуруҳи устаси Баҳодир Ҳуррамовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Биз эса майор Ибрагимовнинг фаолияти билан танишув давомида ўз вазифасига масъулият билан ёндашувчи, ҳар бир кичик объектда бажарилаётган ишларга ҳам эътиборли, ишбилармон ва талабчан эканлигини ҳис қилдик. Тўғри, Уй-жойдан фойдаланиш қисмининг ёрдамига ҳар доим талабгорлар етарли ва талаб катта бўлган. Шунинг учун ўз ўрнида миннатдорлик, ўз ўрнида танқидий фикрлар бўлиб туради. Термиз гарнизони Уй-жойдан фойдаланиш қисмида ҳам худди шундай. Биз қисм жамоаси амалга оширган ҳар бир ишга алоҳида тўхталиб ўтмадик. Бироқ, гувоҳи бўлганимиздек, улар белгиланган режа асосида астойдил меҳнат қилишаяпти. Бу меҳнатнинг маҳсули эса фақат ҳарбийларимиз ва уларнинг оилалари учундир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир ва ёзувчи Қўчқор НОРҚОБИЛ бир нечта шеърий ва насрий китоблар муаллифи.

Қўчқор Норқобил армияда аскар бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ҳарбийлар ҳаётини яхши билади. Жанговар фаолиятга оид ҳам кўплаб асарлар яратмоқда.

Айни пайтда ижодкор ҳарбийларимиз билан ҳам тез-тез учрашиб мулоқотда бўлиб туради.

ТАҲРИРИЯТ.

ДУНЁ КЕЗДИМ...



ОДДИЙ ШЕЪР

Дунё кездим... Лондону
Римни,
Истанбул, Париж,
Қримни ...
О, доврўқли, улкан
шаҳарлар
Тошкент каби гўзал
кўринди.

Ҳамма жойда ўхшашлик
бисёр
Қушлар қушдир,
мушуклар мушук ...
Денгиз тунни айлайди
ҳушёр —
Тўлқинлари куйлайди
қўшиқ.

Тонг ҳам ўхшаш. Ёмғир —
бу ёмғир
Сирли эрур ҳаёт талқини ...
Ҳаммамизга улашади нур
Юлдузларнинг мангу
ёлқини.

Шамол-шамол!
Булут — булут-да!
Ҳар не мавжуд — собит
очунда.
Ким кўрибди, айтинг қай
юртда
Порлашини қуёшнинг
тунда?!

Ҳамма нарса аниқ ва аён,
Лек таажжуб тортмоқда
олам:
Дунё пайдо бўлгандан буён
Нега одам бўлолмас одам?!

ШОИР

Лаҳзаларда сўнади шуъла,
Даврада май — шайтон
оралар ...
Ёлғондакам бир бора қула
Шуни истар ичи қоралар.

Руҳ озода гуллаганда дил
Пайҳон этмоқ гуноҳ
ҳақорат
Май идишга чўкмоқда
бутқул,
Юлдузлардан тушган
маҳорат.

О, мақтовдан чароғон
таъбинг,
Мақтов кўмар юрак
додини.
Ўз болангни ўлдирган каби
Бўғиб қўйдинг
истеъдодингни.

Сен тоғ эдинг ...
Энди майда тош.
Фарқсиз давра кенгу
торлиги.

Елкасига минмаса қуёш
Ёлғон эрур тоғнинг
борлиги.

Номаълумдир тақдир
аъмолинг
Билмам булар қай гўрга
тиқар?
Гар фитначи бўлса чимоли
Йўлин топиб филни ҳам
йиқар.

Лаҳзаларда сўнади
шуъла,
Давра тубан — зулмат
оралар.
Ёлғондакам бир бора қула,
Исташмоқда шайтон
жўралар ...

***

Яшайман,
Энди ҳеч олманг хавотир,
Сиз чизган чизиқдан
Бир қадам чиқмай.
Ҳатто бу дунёнинг
ҳаваси ортир
Яхши бола бўлдим —
Ичмаяпман май.

Мана,
қаршингизда сипо-ю силлиқ
Бош эгиб турибман
кўзларим тиниб ...
Ҳатто душманимга
қилурман қуллиқ,
Истасангиз олинг
Елкамга миниб.

Шоир юрагимни
Айиқми, йўлбарс
тимдалаб келади
туғилганимдан ...
Кўнглингиз тўлурми
Тулкиларга хос
Кимнингдир ортидан
Тиғ урганимда?..

Қайси кун қўрқоқлик
қилдим, билмадим ...
Қайси қилмишимдан
ўтди хатарлик?
Яшай оларманми
Чиқармай дамим,
Англадим,
Ожизлик — сўнгги
хатолик ...
Бир куни синдирдим —
Одам бўлмадим.
Сиз қўйган ҳаётнинг
тор қафасини ...
Узр,
ўзгартмоқни эплай
олмадим.
Худойимнинг берган
қиёфасини ...

ҚАРҒИШ

Кимингдир гўнг қарға,
Кимнинг каламуш ...
Даврадошинг тулки —
Ҳаётинг миш-миш.
Кимнинг зулук,
Кимнинг зангчалиш.
Кимингдир тўғри йўл
босганмас.
Айни йигит даврнинг
Бу қандай қарғиш! —
Қайтадан туғилиш
Осонмас.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Ижтимоий фаоллигингизни муваффақият билан намоён этиш имкони туғилади, сиз юзага келган вазиятни бошқаришингиз, яқин келажакда содир бўладиган воқеаларга таъсир кўрсатишингиз мумкин. Хизмат сафарлари мақсадга мувофиқ эмас. Сиз тўпланиб қолган ишларни якунлаб олишга қодирсиз, бу моддий томондан сизга фойда келтиради.

БУЗОҚ. Сизга истиқболли лойиҳада иштирок этиш имконини берувчи таклиф тушиши мумкин, фақат яхшиси узоқ ўйлаб ўтирманг, акс ҳолда омадни қўлдан чиқариш мумкин. Ўзгаришлардан қўрқманг. Илк қадамларни илдам қўйинг, ҳафта сўнгидаёқ дастлабки натижаларга эришасиз. Хизматда хатоликларга йўл қўймасликка интилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Ўз режа ва фикрларингизни ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий ҳаракат қилиш лозим, бунда сафдошларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Сизга интизомлилик ва пухталик каби сифатлар керак бўлиши мумкин, шунда сиз кўпгина мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал қилишга эришасиз. Турли миш-миш ва ғийбатларга эътибор берманг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Сизни ижодий юксалиш ва муаммоли вазифаларнинг кутилмаган муваффақиятли ечими кутаётган бўлиши мумкин. Орзу-хаёлларга берилиб кетманг, ташаббусни қўлдан чиқармаслик жуда муҳим. Сафдошлар дўстлар билан кўпроқ мулоқотда бўлинг, улар билан бамаслаҳат иш тутишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН. Келаётган ҳафта ҳаёт тарзини ўзгартиришга ундайди. Танлаш учун бир қанча имкониятлар берилади ва сиз уларни ўйлаб кўриш заруратидан қоча олмайсиз. Атрофдагиларга нисбатан ғаразгўй бўлманг, камтарин бўлишга, манманлик қилмасликка ҳаракат қилинг. Кимдир ёрдамингизга муҳтож бўлса, рад этмасликка интилинг.

ПАРИЗОД. Сизнинг ёзма тарзда расмийлаштирган ғояларингизни нуфузли киши қўллаб юбориши мумкин. Барча нарсаларни, ҳатто шахсий ўй-фикрларни тартибга солиш истаги пайдо бўлади. Кимдир сизнинг ишларингизни синчковлик билан кузатади ва хулосалар чиқаради, бу эса сизнинг тақдирингизга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

ТАРОЗУ. Ўзингиз ҳақингизда кўп нарсаларни гапираверманг, бу маълумотлардан ҳасадгўйлар фойдаланиб қолишлари мумкин. Телефон қўнғироқлари, хабарлар оқими, музокаралар сиздан аниқ ва изчил ҳаракатлар режасини талаб қилади, акс ҳолда ўз куч ва вақтингизни тўғри тақсимлай олмайсиз. Сафдошлар ва бошлиқларни танқид қилманг.

ЧАЁН. Ўз характерингизнинг соғлом фикрлаш ва ҳушёрлик каби сифатларини жамлашингиз мақсадга мувофиқ бўлади. Гап-сўзларингизга доимо эътибор беринг, ортиқча гап ҳеч кимга фойда келтирмаган. Муаммони ҳал этишга ностандарт ёндошув ижобий натижа беради. Қандайдир ишни вақтида бажара олмаган қўл остингиздагиларга огоҳлантириш бериш тўғри бўлмайди.

ҲУҚОТАР. Бу ҳафтада минимал ҳаракатлар сизга максимал натижалар келтиради. Бошқаларга ёмонлик тилашдан ўзингизни тийинг, чунки истагингиз амалга ошиши мумкин. Ҳафта бошидаги юқори иш суръатингиз ҳафта ўртасига борib кескин пасаяди. Дам олиш кунлари ташаббус кўрсатиб, дўстлар билан бирга бўлишга интилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада сизда навбатдаги юқори чўққини забт этиш имкони пайдо бўлади. Ўз имкониятларингизни тўғри баҳолаб иш тутинг. Бажарадиган вазифаларингиз рўйхати янги пунктлар билан тўлдирилиши мумкин. Сиз муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар оқимига тушасиз, улар орасидан биринчи галдагиларни саралаб олинг, шунда ҳаммаси жойида бўлади.

ҚОВҒА. Ўй-хаёллар сизни узоқларга олиб кетиши мумкин. Аммо сиз улар ҳақиқатга айланишига тайёрмисиз? Амалга оширилган битимлардан узоқ кутилган фойдага бу ҳафтада ноҳоят эга бўлишингиз мумкин. Хизмат вазифаларини ўз ҳолига ташлаб қўйманг. Сиз ҳар қандай муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўласиз.

БАЛИҚ. Сизда бадиий характердаги таассуротларга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Бирон-бир санъат тури билан албатта шуғулланинг. Ҳаётингизга ёқимли беҳаловатлик киришi мумкин, эътиборли бўлинг, бу ишга берилиб кетиб, бошқа муҳим ва зарур вазифаларни ёддан чиқарманг. Сафдошлардан ёрдамингизни аяманг.

„Пеппи Длинныйчулок“ станцует по-узбекски

Известная латвийская балерина и хореограф Лита Бейрис вскоре поставит спектакль «Пеппи Длинныйчулок» в Государственном академическом театре оперы и балета имени А. Навои. Премьера этого спектакля уже состоялась на сцене латвийской Национальной оперы и пришлась зрителю по душе.

С артистами из Узбекистана Лита Бейрис познакомилась именно в Риге во время 9-го международного Балтийского фестиваля балета, которым хореограф успешно руководит уже десятый год подряд. Здесь и возникла идея о совместной узбекско-латышской постановке.

— Я хоть и никогда не была в Узбекистане, но давно мечтаю поработать на сцене театра оперы и балета в Ташкенте, мастера которого покоряют весь мир! — говорит Лита Бейрис. — В ноябре я буду в столице Узбекистана и приму участие в праздновании юбилея театра, а следующей осенью займусь постановкой детского, вернее — спектакля для всей семьи. Уверена, что его хорошо примут, ведь балет добрый, веселый, красочный и жизнеутверждающий. А в наше время доброта так нужна всем людям!

— В моем спектакле будет задействован большой состав артистов, — продолжает Лита Бейрис. — Одновременно я начинаю готовиться к 10-му международному фестивалю балета. Поскольку он юбилейный, то должен быть организован на самом высоком уровне. Я намерена пригласить в Ригу мастеров танца из многих стран, и обязательно — из Узбекистана.

ИА «Жахон»,
(совместно с газетой «Вести сегодня», Рига).

ФАРИШТАЛАР «ОМИН» ДЕРМИШ

Бувим доимо насиҳат қилганларида, «Ҳой, болам, бўлар-бўлмасга ҳар хил нарсаларни гапираверма, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин» дейди», дердилар.

У кишининг айтишича, инсоннинг икки елкасида иккита фаришта бўлиб, бири фақат яхши гапларимизга, иккинчиси эса ёмон гапларимизга «омин» дермиш.

Тўғриси, болаликка бориб, бу гапларга унчалик ҳам эътибор беравермасдим. Кексалар бир нарсани билмаса, беҳуда гапиришмас экан. Дўстим Мустэжнинг ўлимидан кейин шунга иқрор бўлдим.

Ҳеч ишонгим келмайди. Бундан роппа-роса икки ой бурун жияним Сабинанинг тўйида қизларга шўхлик қилиб, гаплашиб турганлари ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Ўшанда мени кўриши билан югуриб олдимга келиб, қучоқлашиб, кўришар экан, «Юр ўртоқ, қизлар билан рақсга тушайлик, бир ўзимга ноқулай», — дея мени ҳам даврага тортқилай бошлади. Болаликдаги дўстимнинг илтимосини рад қилолмадим.

Мустэжнинг оиласи Туркманистоннинг Мари шаҳрида яшашарди. Ҳар ёзги таътилда эса ота-онаси уни ва икки синглисини бувисиникида қолдириб кетишарди. Бу биз учун байрам дегандай гап. Мустэж иккаламиз бутун ёз бўйи кўча чангитиб, турли шўхликлар билан кузни қаршилаганимизни сезмай қолардик. Сўнгра мактаб бошланиб, у билан бир йилга яна хайрлашардик. Мактабни тугатгандан кейин эса кам учрашадиган бўлдик. Асосан яқин қариндошларимизнинг тўйларидагина бир-биримизни кўрардик, холос. Сабинанинг тўйи баҳонасида икки йиллик танаффусдан сўнг қадрдон дўстимни учратиб тургандим.

Суҳбатимиз давомида, «Мустэж, сенинг тўйингни қачон кўрамиз?», дея ҳазиллашдим. Чунки Мустэж Сабинанинг синглиси Сакинани яхши кўришини орқаворотдан эшитгандим. Боз устига унинг ота-онаси ҳам Сакинанинг қўлини сўраш ниятида юришган экан. Шунда Мустэж:

— Менинг тўйим бўлмайди. Мен ҳеч вақт уйланмайман, — деди. Унинг бу оҳангдаги терс жавоби мени ҳайратда қолдирди. Чунки биз ҳеч қачон бу алфозда гаплашмасидик-да. Ўзимча, «ноўрин гапим билан унинг кўнглини ранжитдиммикан», деб хаёлимдан ўтказгандим. Бу гапни орқамизда, Набия холам эшитиб турган экан.

— Ўғлим, ҳеч қачон бундай дема, ахир яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин» дейди, — дея унга насиҳат қилди.

Икки ой ўтиб эса...

Ҳаво совуқ экан. Ўша кунларда Мари шаҳрида умуман газ бўлмаган. Мустэж электр печкани созламоқчи бўлиб, уйига олиб кириб, эшикни ҳам ичидан қулфлаган. Печканинг қаери ишдан чиқди, дея уни очиб, токка улабди. Шу пайт фалокат юз бериб, унинг қўли зарядли симга тегиб кетди...

Бир пайт ўғлини овқатланишга чақирмоқчи бўлган Сеневар опа унинг хонаси қулфлигини кўриб, дарров турмуш ўртоғини чақириб келган. Эшикни бузиб кириб қарасалар Мустэжни ток уриб, корайиб ётганмиш...

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Шаҳрисабзда спорт байрами

1998 йилнинг 6 сентябрида ўзбек миллий кураши дунёга юз тутди. Неча-неча асрлардан бери халқимизнинг маънавий хазинаси бўлиб келган бу спорт тури жаҳон майдони сари «одимлади». Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилганига эндигина 6 йил тўлган бўлса-да, бугун кураш кўплаб дунё халқларининг севимли спортига айланди. Аниқроқ қилиб айтганда, дунёнинг 5 қитъасида курашимиз дўстларини, мухлисларини топди.

Маълумки, 29—31 октябрь кунлари Шаҳрисабзда кураш бўйича Президентимиз соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган тўртинчи халқаро турнир ўтказилади. Ушбу халқаро мусобақа олдидан журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Аввало кураш ишқибозларига мазкур халқаро турнир ҳақида қисқача изоҳ берсак. Кураш бўйича халқаро турнирга 1992 йилда Президентимиз томонидан асос солинган. У ҳар 4 йилда бир бора ўтказиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга ушбу турнир нуфузи ошиб, унда иштирок этаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Шу кунларда бўлиб ўтаётган бу халқаро турнирга дунёнинг 5 қитъасидаги қирққа яқин мамлакатлардан спортчилар келишган. Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилинишича, мусобақада 60 га яқин эркак, 40 га яқин аёл курашчиларнинг беллашуви кутилмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу нуфузли турнир доирасида юртимизда илк бор ёшлар ўртасидаги учинчи жаҳон биринчилиги ва белбоғ кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилиши кўзда тутилган. Кураш мухлислари ёшлар ўртасидаги биринчи ва иккинчи жаҳон биринчиликлари Россиянинг Тверь шаҳрида ўтказилганини яхши билишади. Шаҳрисабздаги учинчи жаҳон биринчилигида эркаклар 60, 66, 73, 81 ва мутлоқ, қизлар 48, 52, 57 ва мутлоқ вазн тоифаларида ўзаро беллашишади. Белбоғ кураши бўйича мусобақалар 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида бўлиб ўтади. 1992 йилда ўтказилган илк халқаро турнир курашимиз довруғини дунёга ёйган эди. Нуфузли турнир доирасида белбоғ курашимизни ҳам тарғиб қилишимиз унинг дунё майдонига чиқишига йўл очса ажабмас. Яхши ният билан ташланаётган бу қадам самара беришига умид қиламиз.

Анжуманда Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов, Океания кураш конфедерацияси президенти Иохон Бошофф, Пан-Америка кураш федерацияси бош котиби Хесус Гонсалес, Греция кураш федерацияси президенти Мераб Илиадис, ЖУ-ЖИТСУ халқаро федерацияси президенти Густа Хугланд ва бошқалар иштирок этишди. Иохон Бошофф конфедерацияда курашга аъзо мамлакатларнинг сони 7 тага етгани, ҳатто 2005 йилда бу кўрсаткич 9 тага етиши ҳақида айтганида, Мераб Илиадиснинг Грецияда кураш бўйича клублар сони 4 йилда 40 тага етгани хусусида таъкидлаганида ёки грециялик дзюдо бўйича олимпиада чемпиони Илия Илиасеснинг Олимпия чўққисини забт этишида курашнинг роли беқиёс бўлганини эътироф этганида кўнгил ғурурга, фахрга чўмди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар берилди.

Майор Алижон САФАРОВ.

● БАДМИНТОН

В преддверии открытого кубка

В спортивном зале столичной школы № 110 прошли соревнования на Кубок города Ташкента по бадминтону, организованные Ташкентским комитетом по физической культуре и спорту. В борьбе за награды принимали участие команды Республиканской юношеской школы высшего спортивного мастерства, Ташкентской школы высшего спортивного мастерства, Национального университета Узбекистана, клуба «Моржи».

В упорных поединках, которые проходили под пристальным вниманием судей и многочисленных зрителей, определились победители турнира. В одиночном разряде среди мужчин первое место занял Рафаэл Закиров, призерами стали — Алишер Захидов, Андрей Битиев. Среди женщин лучшими оказались Анна Смирнова, Яна Катеринич, Елена Хамидулина, заслуженно украсив пьедестал почета. В мужском парном разряде первенствовали Р. Закиров—Алексей Давыдов. Второе и третье места, соответственно, заняли А. Захидов — Олег Саватюгин, Билал Агзамов — А. Битиев. В смешанном парном разряде лидировали, не дав никаких шансов соперникам, А. Захидов — А. Смирнова. Замкнули тройку лидеров О. Саватюгин — Я. Катеринич, Е. Хамидулина —А. Битиев.

Всем победителям были вручены ценные подарки и дипломы. Дипломов соответствующих степеней удостоились также призеры соревнований.

Но ненадолго расстались спортсмены. Уже в начале ноября здесь же пройдет Открытый кубок Узбекистана. Для многих спортсменов еще есть время «подчистить» имеющиеся шероховатости в технике игры. Тем более что в соревнованиях примут участие гости из ближнего зарубежья. А одного патриотизма (игра в родных стенах) в таком случае будет явно недостаточно.

К. МИРНОВ.

● ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Темур яна рингга чиқади

Профессионал боксда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз Темур Иброҳимов яқинда АҚШнинг Флорида штатида профессионал бокс бўйича ўтказилган турнир доирасидаги жангда мезбонлар вакили Шон Робинсонни биринчи раундда нокаутга учратиб, «ВБС Фекарбокс» чемпионлик камари соҳиби бўлган эди.

Энди у навбатдаги жангини америкалик Билли Дугласга қарши ўтказадиган бўлди.

Айни пайтда профессионал бокс оламида мазкур жангга катта қизиқиш билдирилмоқда. Чунки Биллини бўлажак жангга ўтган асрнинг 90-йилларида Майк Тайсонни биринчи марта нокаутга учратиб, бокс тарихида ўчмас из қолдирган Жеймс Дуглас тайёрламоқда. Ўшанда илк маротаба мағлубият аламини тотган Майк Тайсон ўта оғир вазн бўйича мутлақ жаҳон чемпионлиги унвонини Жеймс Дугласга топширишга мажбур бўлганди.

Ҳозир машҳур боксчи Жеймс Дуглас профессионал боксда укаси Биллига мураббийлик қилмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 7. Самарқанддаги XIV аср охирида бунёд этилган меъморий обида, мақбара. 8. Хориж давлатига мансуб мол-мулк, ҳарбий анжом ва бошқаларни мамлакат ҳудудидан чиқармасдан ушлаб қолиш. 11. Катта миқдордаги маблағ. 13. Савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш. 14 Шимолий Европада жойлашган давлат. 17. Халқаро шахмат гроссмейстери, журналист, «Шахмат дебютлари назарияси» китоби муаллифи. 21. Иморат қурувчи уста. 22. Л. Толстой романи. 25. Сут маҳсулоти. 26. Марказий Осиёда мўғуллар ва маҳаллий ҳукмдорлар зулмига қарши халқ ҳаракати раҳбари.

БУЙИГА: 1. Жанубий Американинг шимоли-шарқий, Атлантика океанига туташ жойлашган давлат. 3. Какао қўшиб ишлаб чиқарилган ширинлик. 4. Сувдан, ҳам, қуруқликдан ҳам уча оладиган, сувга ва қуруқликка қўна оладиган самолёт. 6. Бир неча машинанинг қўшилишидан таркиб топган мураккаб техника. 12. Муайян частотага эга бўлган қисқа ва кучли ёруғлик боғлами ҳосил қилувчи манба. 13. Марказий Осиё, Хитой ҳудудларини эгаллаган, ер юзидаги энг катта ва баланд тоғлик. 15. Бир-бирига зид икки ҳолни ўз ичига олган фикр ёки хулоса. 17. Кетма-кет саф тортиб бораётган автомобиллар. 18. Хитой тарихи ва маданияти, хитой тили ва адабиётини ўрганувчи мутахассис. 20. Нефтдан олинадиган ёқилғи тури.

ЕИЛАР БУЙИЧА: 2. Шимолий ва Ўрта Европа мамлакатлари туташган, Атлантика океанидаги денгиз. 5. АҚШ давлатини 1977-1981 йилларда бошқарган президент. 9. Арра тури. 10. Қозоғистондаги ўрта асрларга мансуб шаҳар ҳаробаси. 16. Ов қуроли. 19. Мезана шаклида бунёд этилган баланд иншоот. 23. Эшкакли, елканли ва моторли қайиқларда ўтказиладиган йирик мусобақа. 24. Иссиқкўл сойлилигидан Олмата шаҳрига автомобиль йўли ўтган Тяньшандаги довон.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 127-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 6. Аудитор. 9. Каламбо. 10. Ивченко. 11. Туризм. 12. Алиман. 18. Андижон. 20. «Чайка». 21. Шулон. 22. Қандим. 23. Эровул. 26. Зуҳал. 28. Автор. 32. Газлама. 34. Фауна. 35. Бақия. 36. Шницель. 37. Малак. 39. Калий. 40. Кенгуру.

БУЙИГА: 1. Авиация. 2. Қурол. 3. Дислокация. 4. Ҳошия. 5. Артерия. 7. Кагу. 8. Якка. 13. Шкаф. 14. Инглиз. 15. Хобарт. 16. Хром. 17. Юклама. 19. Шумурт. 24. Зумрад. 25. Боксит. 27. Зальцбург. 29. Баян. 30. Амал. 31. Аршлаг. 33. Саржин. 38. Крем. 39. Карт.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-93; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16550. Буюртма № 034.